

24 январь 2022 йил

Учкўприк шаҳарчаси.

Бир томондан, Низом асосида ҳаракат қилувчи бундан кейин матнда “Етказиб берувчи” деб юритилувчи, “NURAFSHON METAN SAVDO” МЧЖ, директори Э.Исаков ва иккинчи томондан

Учкўприк шаҳарчаси Рақамлиқ

(ташкилот ва муассаса номи)

бундан кейин матнда “Истеъмолчи” деб юритилувчи, Низом асосида ҳаракатланувчи Рақамлиқ

А. Ибраҳимов

, ушбу шарномани қуйидагилар ҳақида тузишди:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Етказиб берувчи” маҳсулотларни етказиб беришни ва истеъмолчи ўз вақтида қабул қилиб тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади: БҲС билан

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	м ³ нархи (сўм)	Жами бир йилга етказиб бериш
Сиқилган табиий газ	м ³	696	2800	1948800

1.2. Етказиб бериш автомобил газ қуйиш компрессор станцияларида (АГТҚШ) ўзи олиб чиқиб кетиш шарти билан, “Истеъмолчи” нинг автотранспорт воситаси газ баллонларини тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

1.3. Етказиб бериш санаси деб – “Истеъмолчи” нинг транспорт воситаларига ёқилғи қуйиш санаси деб ҳисобланади.

1.4. “Истеъмолчи” га қуйилаётган сиқилган табиий газ микдори “Етказиб берувчи” нинг ўлчов ускуналари билан аниқланади ва қайдномаларда қайд этилади.

1.5. “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи” га маҳсулотни “Истеъмолчи” нинг автомобиллини АГТҚШда “Истеъмолчи” вакилининг ваколатини тасдиқловчи қайднома ва ишончнома асосида ўтказиб бериш йўли билан амалга оширади.

1.6. Қайдномалар ўзаро ҳисоб-китоб учун асос деб ҳисобланади ва икки нусхада расмийлаштирилади. Ҳар бир ёқилғи қуйиш микдори ва қиймати, ёқилғи қуйиш қайдномасида ҳайдовчи ва ёқилғи қуювчи имзо билан кўрсатилади.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг умумий қиймати уни тузиш пайтида 1948800 БҲС билан тўлов сўми ташкил этади ва “Етказиб берувчи” томонидан бир томонлама тартибда хом-ашёнинг, материалларнинг, ёқилғи-энергетика ресурсларининг, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари ва норматив актлари ўзгариши туфайли ҳамда таъсисчиларнинг йиғилиш қарорига асосан ўзгартирилиши мумкин.

Шартноманинг ҳақиқий микдори шартнома муддати тугагунига қадар ёқилғи қуйиш рўйхатларига мувофиқ шартнома муддатининг якунига қадар қуйилган газ микдоририга тенгдир.

2.2. Етказиб берилган маҳсулот учун тўлов, етказиб бериш (қуйиш) кундаги амал қилувчи нархлар асосида амалга оширилади.

2.3. Маҳсулотни етказиш (қуйиш) тарқатиш қайдномасига асосан, белгиланган тартибда “Етказиб берувчи” нинг ҳисоб рақамига пул ўтгандан кейин ва тўлов ҳисоби олдиндан 100 фоизга тўлдирилгандан кейин амалга оширилади. Якуний тўлов “Истеъмолчи” томонидан амалдаги ойнинг ҳар 25 кундан кечикмаган ҳолда амалга оширилади.

2.4. Томонлар ҳар чоракда солиштириш далолатномаларини расмийлаштирган ҳолда ҳисобларни солиштиришади. Календар йили тугаши билан “Етказиб берувчи” ва “Истеъмолчи” томонидан сотилган газ ҳажми ва у учун амалга оширилган тўловлар аниқланиб, солиштириш далолатномаси тузилади.

3. ТОМОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Истеъмолчи” газ балони ускуналари билан жихозланган транспорт воситаларининг техник хавфсизлиги ва техник ҳолати, шунингдек ёнғин, санитария ва экологик хавфсизликка риоя қилиш учун жавобгардир.

3.2. “Истеъмолчи” нинг мажбуриятлари:

- сиқилган табиий газдан фойдаланиш ва автомобилнинг газ балон ускунасини ишлатиш бўйича амалдаги қоидалар, техник шартлар, қўлланмалар, кўрсатмаларини ва қоидаларга риоя қилиш;
- автомобилнинг газ балон ускунасини ва моддий қисми ҳолатини яроқли ҳолатда сақлаш;
- техник ҳолати, балонлар сони ва геометрик ҳажми ҳақида йўл варақасида белги қўйиш;
- белгиланган тартибда автомобилга газ қуйишга руҳсат олиш;
- баллоннинг умумий, геометрик ҳажмининг қийматини 0,5 аниқлик билан автомобилнинг техник паспортига (маҳсус иловага), шунингдек маҳсус жадвалда ва автомобил қисмларида ёзиб қўйиш.

3.3. “Етказиб берувчи” нинг мажбуриятлари:

- автомобил газ ускуналаридан, назорат-ўлчов қурилмаларидан ва қулфлаш арматураларидан фойдаланишнинг тўғрилигини текшириш;

- б) хайдовчида сиқилган табиий газ билан ишлайдиган транспорт воситасини бошқариш учун гувоҳнома, ёки ёқилғи қуйиш учун рухсатнома ва йўл варақаси мавжудлигини текшириш;
 в) агар истеъмолчи (истеъмолчилар ходимлари) белгиланган ҳуқуқларга, ёқилғи қуйиш қоидаларига ва ушбу шартноманинг шартларига риоя қилмаса, сиқилган табиий газ билан ёқилғи қуймаслик.

4. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Томонлар ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.
 4.2. Ушбу битим шартларини бузганликлари учун томонлар ҳужжатлаштирилган зарарни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплайдилар.
 4.3. Агар истеъмолчи ушбу шартномада белгиланган етказиб бериладиган маҳсулотлар учун тўлов шартларини бузган бўлса (2,3 банд), у ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома шартлари бўйича тўлаш учун зарур бўлган сумманинг 0,1 % миқдорига жарима тўлайди.
 4.4. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари ёки тегишли равишда бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар ушбу мажбуриятларни бажармаганлик (тегишли равишда бажармаганлик) форс-мажор ҳолатлари туфайли келиб чиққан бўлса.
 4.5. Етказиб берувчи учун фавқулотда характердаги ҳолатларга (форс-мажор) қуйидагилар қиради:
 а) магистрал газ қувурларида, шаҳар газ ва электр тармоқларида авариялар, олдиндан кўриб бўлмайдиган вазиятларнинг вужудга келиши;
 б) ёнғинлар, zilzilalar, тошқинлар ва бошқа табиий офатлар;
 в) магистрал газ қувурлари, газ ва электр тармоқларини капитал таъмирлаш, шу ишлар билан боғлиқ синовлар, шунингдек пайвандлаш пайтида;
 г) кишки мавсумда ёқилғини навбатсиз қуйиш мажбуриятини зиммамикс олмаймикс.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган масалалар бўйича, томонлар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 23.01.2010 йил 2072-сонли “тарқатиш ведомостлари ва лимит дафтарчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёқилғи қуйиш учун нефт маҳсулотлари, суюлтирилган ва табиий газни бериш тартиби” ҳақидаги қоидаларига, ҳамда амалдаги қонунчиликка асосланилади.
 5.2. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган ёки унга боғлиқ равишда юзага келадиган барча низолар, келишмовчиликлар ёки даъволар, шу жумладан унинг бажарилиши, бузилиши, бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши билан боғлиқ масалалар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона вилояти иқтисодий суди томонидан ҳал қилиниши керак.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Ушбу келишув “24 январь 2022 йилда “31” Декабр 2021 йилгача амал қилади. Ушбу шартнома кейинги календар йилига томонларнинг ҳеч бири, шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан 20 (йигирма) кун олдин, бошқа томонга шартнома бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда хабар бермаслик шартли билан узайтирилиши мумкин.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 7.1. Реквизитлар ўзгартирилганда, томонлар уч кун ичида бир-бирларига бундай ўзгаришлар тўғрисида хабар бериш мажбуриятини оладилар. Акс ҳолда, охириги маълум бўлган манзилга юборилган хабарлар тегишли тартибда жўнатилган деб ҳисобланади.
 7.2. Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтказилиш, шу жумладан ушбу шартномага биноан даъво ҳуқуқининг бир томондан берилиши фақат бошқа томоннинг ёзма розилиги билан амалга оширилиши мумкин.
 7.3. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар, улар ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатга эга вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.
 7.4. Ушбу шартнома икки нусхада ўзбек тилида тузилган, томонларнинг ҳар бири учун биттадан, иккала нусхаси бир хил ва тенг қонуний қучга эга.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“Етказиб берувчи”

“Истеъмолчи”

“NURAFSHON METAN SAVDO” МЧЖ

Фарғона вилояти Учқўприк тумани

Учқўприк шаҳарчаси Х.Олимжон кўчаси

Х/р: 20 20 80 00 30 06 05 52 20 01

АТБ “Трастбанк” Фарғона филиали

МФО: 01123 ИНН: 303 885 352

Тел.: 97 33 44 888

Директор:

Э.Исақов

Э.Исақов.



*Ўзқўприк тумани Ваколатли
 Набрўз мавла кўчаси 68-й
 2001208000300605522001
 2022 йил 24 январь
 919 номер
 2022 йил 24 январь*

Раҳбар:

А. Мажидов

Қўруқшўнос